

Ўзбек тилида сўз маъноларини кучайтиришнинг фонетик усуллари

ҚДПИ чет тиллар факультети инглиз тили ва адабиёти йўналиши I – босқич
магистранти
У.Назирова

Тилшунослик фани тараққиётининг бугунги даврига, афсуски, ҳатто “интенсивлик” тушунчасининг ўзи ҳам тадқиқотчилар томонидан турлича изоҳланган. Мазкур тушунча Ш.Балли, А.В.Кунин, А.Абдуллаев каби тилшунослар ишларида “кучайтириш” маъносида қўлланилган бўлса, Д. Болинджер, Б.Чарлстон сингари тилшунослар эса “экспрессивлик”, “эмоционаллик”, “аффективлик”ни айнан бир хил маъно ифодаловчи терминлар сифатида тушунишиб, “интенсивлик” ва “интенсификация” атамаларидан фойдаланишмайди. Кўриниб турибдики, “интенсивлик” тушунчаси ҳозирги даврда ҳам мунозарали масалалардан ҳисобланади.

Интенсивлик белгининг меъёр ёки муайян ҳолатга нисбатан ошиши, сифатнинг миқдор ўзгаришидир. У инсон тафаккурида инъикос ҳолда воқеланиб, тилда ўз ифодасини топади. Шунинг учун интенсивликка ономасиологик, яъни ўз воқелигидан келиб чиқиб ўрганиш мумкин бўлган ҳодиса сифатида қараш мумкин.

Ўз табиатига кўра моддий (табиий) ва руҳий (ҳиссий) бўлганлиги учун интенсивликни объектив ва субъектив турларга ажратиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур турлардаги интенсивликлар тилда ўзларига хос ифодаланиш воситаларига эга.

Белги объектив ва субъектив оламларда сифат, миқдор жиҳатлардан турли туман бўлганлиги учун бутун оламни ўзида акс эттирувчи тил интенсивликни ўзининг турли сатҳлари, воситалари ёрдамида акс эттиришга ҳаракат қилади.

Мазкур мақола ўзбек тилида фонетик усулда маъно кучайтириш тадқиқига бағишланган бўлиб, ишда асосан зарб урғуси орқали интенсивлик ифодалашга эътибор қаратилади.

Фонетик усулда маъно кучайтиришда интонация алоҳида ва муҳим роль ўйнайди. Интонация мавжудлиги гапнинг мавжудлигидан дарак беради.

Гапнинг бошланиши, тугаш чегаралари интонацияда кўринади.

Интонация орқали сўз маъносини кучайтириш ҳодисаси сўз-гапларда, тўлиқсиз гапларда, белги билдирувчи сўзларда, гап бўлаклари билан грамматик жиҳатдан боғланмаган сўзларда учрайди.

Гапни ташкил қилишда интонациянинг энг муҳим компонентларидан бўлмиш урғу ва мелодиканинг аҳамияти катта ҳисобланади.

Фонетик усулда маъно кучайтириш ўзбек тилида бошқа усулларга қараганда фаол ҳисобланади.

Ҳозирги замон ўзбек тилида фонетик усул билан маъно кучайтиришда унлини кучли талаффуз қилиш (зарб урғу) алоҳида аҳамиятга эга. Масалан:

1. У сахарлаб қишлоққа жўнади.

2. Мен сизни қанчалар севишимни билсангиз эди.

Бир бўғинли сўзларда зарб урғуси билан маъно кучайтириш шу сўз таркибидаги унлини кучли талаффуз қилиш йўли билан амалга оширилади.

Масалан: Боғда мевалар ғарқ пишган.

Кўп бўғинли сўзларда ҳоҳлаган бўғиндаги унлини кучли талаффуз этиб, маъно кучайтириб бўлмайди. Бундай ҳолларда урғули бўғиндаги унлини кучли талаффуз қилиш орқали маъно кучайтирилади.

Масалан: 1. Баланд иморат, йўғон одам.

Бундай ҳолат ҳар қандай сўзларда ҳам мумкин бўлавермайди. Охири очиқ бўғинли бўлган (охири унли билан тугаган) сўзларда урғули бўғиндаги унлини кучли талаффуз этиш орқали маъно кучайтириш мумкин эмас.

Масалан: покиза, калта. Шунингдек охири ундош билан тугаган, лекин унли + ундош + унли ёки ундош + унли + ундош кема кетлиги келган ҳолларда урғули бўғиндаги унлини кучли талаффуз этиш билан маъно кучайтириб бўлмайди. Масалан: думалоқ, мулойим. Бунга ўхшаш сўзларда маъно кучайтириш учун, аввал урғу олдинги бўғинга кўчирилади, сўнг шу урғу

кўчирилган бўғиндаги унлини кучли талаффуз этиш орқали маъно кучайтирилади. Масалан: қаттиқ –қаттиқ, катта – катта.

Унли ва ундош (унли+унли) кетма кетлиги билан тузилган гапларда урғуни бошқа бўғинга кўчириб, шу бўғиндаги унли кучли талаффуз этилади. Масалан: Оғир –оғир, қалин –қалин.

Ҳозирги замон ўзбек тилида оқ (ёқ) юкламалари маъно кучайтиришга хизмат қилади. Бундай ҳолатларда юкламадаги унлини ёки сўзнинг ўзагидаги унлини кучли талаффуз қилиш орқали интенсивлик ифодаланади. Масалан: борибоқ –борибоқ.

Қўш ёки ёндош ундошга эга бўлган бирдан ортиқ бўғинли сўзларда маъно кучайтиришда одатда, урғу шу қўш ёки ёндош ундош олдидаги унлига кўчирилади ва ўша унли кучли талаффуз қилинади. Масалан: салқин – салқин.

Айрим қўш ёки ёндош ундошларда урғу аслида қўш ундошдан олдинги унлида бўлади . Бундай ҳолларда ўша унли кучли талаффуз этилади. Масалан: 1. Бу нарсага асти чидолмайман.
2. Жангчилар қўққисдан ҳужумга ўтишди.

Унли ва ундош ёки ундош + унли келса, маъно кучайтириш учун сўз таркибидаги бир ундош иккилантирилади яъни қўш ундош (геи\минация) ҳосил қилинади. Урғу ўша қўш ундош олдидаги унлига кўчирилади ва ўз навбатида шу унли кучли талаффуз қилинади. Масалан: **Мазза , теппага.**

Жуфт ва такрорий сўзларда асосан уларнинг биринчи компонентидаги бирор унлини кучли талаффуз этиш орқали маъно кучайтирилади.

Масалан: Жон-жонимдан ўтиб кетди.

2. У юм-юм йиғлади.

Қўшма сифатларда маъно кучайтириш мумкин эмаслигининг сабаби, улар ифодалаган маъно конкретлигидадир.

Синоним ва антоним сўзлар такрорланиб келганда интенсивлик ифодаловчи зарб урғуси биринчи компонентда бўлади. Масалан: сон-

саноқсиз, битмас-туганмас, чиройли-чиройли расмлар, балан-баланб иморатлар.

Жуфт ва такрорий сўзларда такрорлаш ҳеч қандай элемент ёрдамсиз бўлса, маъно кучайтирувчи зарб урғуси биринчи компонентда бўлади.

Масалан: тез-тез гапирмоқ, ўксиб-ўксиб йиғламоқ.

Мустақил ва ёрдамчи сўзлардан ташкил топган бирикувларда мустақил сўзнинг охирги бўғинидаги унли кучли талаффуз қилинади. Масалан: келиши билан, кун бўйи.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки ҳозирги замон ўзбек тилида фонетик усулда сўз маъносини кучайтиришда унлини кучли талаффуз этиш яъни зарб урғуси анча фаол бўлиб, уни қўллашда алоҳида қонун-қоидаларга амал қилишни тақазо этади.